Бу ҳақда хусусан, бизнинг нашримизда қарийб ҳар йили мақолалар берилди. Экспертлару халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда жиддий тақлифлар билдирилди. Гарчи, ўтган йиллар давомида бирмунча ўзгаришлар кузатишга бўлса-да, аммо мардикор бозорларида иш тартиби, одам ёллаш ва ишлаётганларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳамон ўша-ўша.

Самарқанд туманида жойлашган мардикор бозорига юзага келган тортишув ва унинг натижасида икки нафар аёлнинг калтаклангани ҳақида бугун кўпчилик эшитди. Воқеа тафсилотларига тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Ҳеч қандай сабаб воқеанинг бундай тус олишига изн бермайди. Афсуски, ибтидоий қондалар билан ашайдиган ушбу "бозор"да жанжаллар ҳам шу йўл билан ҳал этиб қўя қолинганини кўпчилик тушуни туриди.

Калтакланган аёллар билан боғлиқ тафсилотлар орасида уларнинг асли пастдаргомлик, айни пайтда Самарқанд шаҳридаги Кимёгарлар кўрғонига истиқомат қилиши айтилган. Афсуски, воқеа ижтимоий тармоқларни "портлаган" бир пайтда ҳам на Самарқанд шаҳар ва на Паст Даргом туман оила ва хотин-қизлар бўлимининг хотин-қизлар билан ишловчи мутасаддилари ҳолатга муносабат билдира олди. Вилоят оила ва хотин-қизлар бошқармаси раҳбари бу ҳақда ўз фикрини айтиб, аёлларнинг калтакланишига қарши эканлигини маълум қилди. Аммо нега тўғридан-тўғри ишлаши лозим бўлган туман, шаҳар мутасаддилари аёллар билан сўхбатлашгани, уларнинг аҳоли ўрганилгани борасида бирон сўз демлагани кишини ўйлантиради.

Фақатгина ички ишлар идоралари вазият назоратга олинди, дея ўз муносабатини билдирганини ҳисобга олганда, бошқа жиддий муносабат кўрмадик. Ваҳоланки, кейинги пайтларда Самарқандда бундай ҳолатлар бир эмас, бир неча марта такрорланди. Аёл кишининг калтакланиши билан боғлиқ ҳолат Иштихон туманида рўй берган,

афсуски, бу масалада ҳам ушбу идораларнинг сукут сақлаганига гувоҳ бўлгандик. Буни қарангки, бу ҳолатда ҳам меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши жанжалга асосий сабаб эди.

Умуман олганда, меҳнат ҳуқуқлари юқорида таъкидланганидай, ушбу бозорда инсталланган бузилиши мумкин. Биринчидан, эртадан кечгача ишлаш баробарида пулни ололмайд қолиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Шунинг ўзи бу ерда ҳар қадамда хавф мавжудлигини билдиради. Энг ёмони, уларнинг тинимсиз меҳнати стажга кириштирмайди. Гарчи, шундай қийинчиликлар кузатишса-да, мардикор бозоридегилар айнан шу ердан нон топишни истаиди.

Чунки бизга таклиф этилаётган ишларнинг ойлик маоши 1,5-2 миллион сўмни ташкил қилади, - дейди мардикор бозоридан иш топувчи аёл. - Биз бу пул билан оилामизни қандай тебратамиз? Бу ёқда турмуш ўртоғим, оилани боқаётган бўлсакки, майли, кўшимча даромад, деб шу маошга рози бўлсам. Лекин уч нафар боламини бу пул билан боқолмайман-да.

Бугун мардикор бозорига одам ёллаб ишлатадиганлар яхши билади, уларнинг кунлик ш ҳақи анча ошган. Қолаверса, улар илгаригидай, нима десангиз кўниб, барча ишга бўйин эгиб кетавермайди, ўзига яраша талаблар қўяди, агар бажармасангиз, сиз билан хайрлашиб қўя қолади. Ўз ҳақини етарлича талаб қилади.

Лекин бу - жамият шундай бозорни сақлаб туриши керак, дегани эмас. Аллақачон унинг замонавий шаклига ўтиш фурсати етди. Бу табиийки, битта-иккита идоранинг ваколати билан битадиган иш эмас. Масалага ҳукумат даражасида, жиддий ислоҳ талаб этадиган тарзда ёндашиш лозим. Шундай бўлмас экан, у ҳудуд мудом "ёнғин" хавфи мавжуд ўчоқ бўлиб қолаверади. Инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ ҳодисалардан тортиб, энг ёввойи тартиб-қондалар амал қилнадиган ва бир кунни унинг оқибатлари бутун жамиятга доғ бўлиб тушадиган ҳолатларгача.

Гулруҳ МҶМИНОВА.

Қайсидир кўшимизнинг ҳали вояга етмаган фарзанди тенгқурлари билан пана жойда тамаки тутатиб турганини ёки телефонда алланималаридир томоша қилаётганини кўрсак ҳам кўрмасликка оламиз. "Э, анави фалончининг боласи-ку, менга нима", деб ўтиб кетамиз. Виждонимиз қийналса, бир танбех бергандек бўлсамиз, холос. Аммо хатолик сари қадам қўя бошлаган шу ўсмирлар бир кун келиб бошқаларга, хатто ўзимизнинг фарзандимизга ҳам таъсир ўтказиши аҳтимолидан холи эмаслигини ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз.

БЕФАРҚЛИК ЖАҲОЛАТГА ЕТАКЛАЙДИ

Шу кунларда вилоятимизда ўтказилаётган "Жаҳолатга қарши маърифат билан курашайлик!" шiori остидаги тарғибот тадбирларида бефарқлик фарзандларимизни жаҳолатга етаклаши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар бот-бот такрорланмоқда. Кеча Пайариқ ва Тойлоқ туманларида ўтказилган ана шундай тадбирларда Дин ишлари бўйича қўмида вакиллари, Имом Бухорий халқаро маркази илмий ходимлари мавзу юзасидан маърузалар ўқиди.

Пайариқ туманидаги 2-маданият марказида ташкил этилган тарғибот тадбирда туман сектор раҳбарлари, ҳоким ёрдамчилари, таълим ва тиббиёт муассасалари масъуллари, маҳалла фаоллари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Дин ишлари бўйича қўмида раиси маслаҳатчиси Илҳомжон Маъруповнинг маърузаси ҳеч қимми бефарқ қолдирмади, - дейди тумандаги 2-мактаб директори Зокир Исаев. - У билдирган фикрларни мактаб жамоасига, шунингдек, ота-оналарга етказамиз. Фарзандларимиз тарбияси билан ота-оналар, маҳалла-қўй биргаликда, виждонан шугулланмас эканмики, кўзлаган натижага эришолмаймиз.

Жасур ШАМСИЕВ.

10 августгача барча туманларда бошқарув сервис компаниялари иш бошлайди

Вилоят Матбуот уйида вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Негматов иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида кўп квартиралы уйларда бошқарув сервис ташкилотларини ташкил этиш ҳамда бошқарма томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Ўтган йили эксперимент тарикасида Самарқанд шаҳрининг Қорасув массивида 53 та уйни ўз тасарруфига олган "Нур шарқ тесс" бошқарув сервис ташкилоти иш бошлаган бўлса, жорий йилда уларнинг сони 10 тага етди, - дейди Б.Негматов. - Шу вақтгача вилоятдаги кўп қаватли уйларга хизмат қилиб келган 180 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан 95 таси тугатилиб, ўрнида 11 та бошқарув сервис ташкилоти хизмат кўрсатмоқда.

Шунингдек, бошқа туман ва шаҳарларда ҳам шундай ташкилотлар ташкил этилди. Оқдарё, Паст Даргом, Нарпай, Самарқанд, Пайариқ, Ургут ва Қўшработ туманларида бу иш 10 августгача

давом этади. Янги тузилган бошқарув ташкилотлари ўз ҳудудидидаги уйларни сақлаш, таъмирлаш, ҳудудни ободонлаштириш, лифт ва ертўла муҳандислик тармоқларидан фойдаланиш хизматини амалга оширади.

Жорий йил ўтган даврида вилоят бўйича 29 та кўп квартиралы уй-жойларни таъмирлаш мақсадида 5,5 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирда 12 та кўп қаватли уйларда мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Паст Даргом туманида маҳаллий бюджет ҳисобидан 64 миллион сўм ажратилиб, Балхиён маҳалласидаги 4 та кўп қаватли уй-жойнинг ички коммуни-

кация ва канализация тармоқлари таъмирланмоқда. Булунғур туманида эса маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилган 100 миллион сўмга 3 та уйнинг фасади ва кириш йўлаклари, ертўла қисми таъмирланди, коммуникация тармоқлари янгиланди.

Йил якунигача яна 176 та кўп қаватли уй таъмирланади.

13 та уйдаги эскирган 40 та лифтни янгисига алмаштириш учун 11,8 миллиард сўм маблағ ажратилди. 14 та болалар майдончаси, ирригация тармоқлари, пидедалар йўлаклари ва 44 та тунги ёритиш тизими ҳамда 6 та ҳудудда хожатхона қурилиши бошланади.

Дилмурод ТҶХТАЕВ.

Суд ҳужжатлари ижроси кечиктирилмайди

Вилоят Матбуот уйида "Мажбурий ижро бюроси вилоят бошқармаси органлари томонидан суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижро этиш соҳасида амалга оширилган ишлар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Қайд этилишича, бюронинг вилоят бошқармаси ва унинг қўйи бўлимлари томонидан йилнинг дастлабки 6 ойи давомида қарийб 3,5 триллион сўмлик 327 минг 714 та ижро ҳужжатлари юзасидан ижро тадбирлари амалга оширилган.

Ушбу ижро ишларининг асосий қисмини, яъни қарийб 1,2 триллион сўмлик 217 минг 166 тасини давлат фойдасига ундирувлар билан боғлиқ ижро ҳужжатлари ташкил этган.

Ўтган даврда 1,8 миллиард сўмлик 121 минг 720 та ижро ҳужжати бўйича яқуний қарорлар қабул қилиниб, шундан 72 минг 562 та ижро иши бўйича амалда 1 триллион сўм маблағ ундирилган.

Хусусан, 6 ойликда мулкий ундирувларга оид ижро ишлари бўйича амалга оширилган мажбурий ижро тадбирлари натижасида давлат фойдасига 391,2 миллиард сўм, юридик шахслар фойдасига 463,5 миллиард сўм, жисмоний шахслар фойдасига (алиментдан ташқари) 177,2 миллиард сўм маблағ ундирилиши таъминланган.

Таъкидланишича, асосий эътибор давлат манфаатларини кўзлаб чиқарилган мажбурий ундирув билан боғлиқ қарорлар ижросини таъминлашга, давлатга етказилган зарарларни, шу жумладан, солиқ қарздорлигини, давлат божи, маъмурий ва жиноий жарималарни ундириш, жиноятлар натижасида давлат манфаатларига етказилган зарарларни ундиришга қаратилмоқда.

Бугунги кунда иш юритилишидаги алимент ва моддий таъминот ундириш билан боғлиқ ижро ҳужжатлари бўйича жами 35 минг 256 нафар алимент тўловчи қарздорлар мавжуд, - дейди МИБ вилоят бошқармаси бошлиғи Меҳрож Насруллаев. - Жорий йилнинг 6 ойида ушбу тоифадаги ижро ҳужжатлари бўйича амалга оширилган мажбурий ижро тадбирлари натижасида



алимент тўловчи қарздорлардан жами 59,5 миллиард сўмдан ортиқ алимент пуллари ундириб берилди.

Бу тоифадаги ижро ишлари бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа мутасадди идоралар билан ҳамкорликда қарздор ва ундирувчилар ўртасида олиб борилган профилактик сўхбатлар ва чора-тадбирлар натижасида ўтган даврда 3 минг 782 та оила яраштирилди.

1 минг 212 нафар ишсиз алимент тўловчилар ишга жойлаштирилиб, доимий бандлиги таъминланди ва алимент ундирувлари уларнинг иш ҳақларининг маълум миқдорига қаратилди. Шунингдек, алимент қарздорлигини тўлашдан мунтазам равишда қасддан бўйин товлаб келаётган 77 нафар қарздорлар жиноий, 521 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Анжуман давомида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб қайтарилди.

Ўз мухбиримиз.

Қизим "Бадий гимнастика билан шугулланаман", дея қатъий қарор қилганида уни қайси мураббийга топширсам экан, деб кўп ўйладим. Суриштириб, Елена Асланова шогирдлари орасида алоҳида эътироф этилишини кузатдим. Аммо жуда қаттиққўл эканлиги ҳақидаги гаплардан бироқ иккиланиб, унинг ёнига қизимни олиб бордим. Елена қизимнинг хатти-ҳаракатларини текшириб, савол-жавоб қилгач, уни шогирдликка олишга рози бўлди. Машгулотлар давомида унинг ҳаддан ташқари қаттиққўлиги ҳақидаги фикрлар бироз уйдирма эканлигига ишондим. Аксинча, ўз касбининг устаси, фидойи устоз, кези келганда, шогирдларига ғамхўр онадек муносабатда бўлади.

Машгулот ёки мусобақаларда жароҳат олган гимнастикачиларнинг ҳолидан хабар олишга ум улгуради. Бунга фарзандим мисолида гувоҳ бўлганман. Елена Асланованинг талабчанлиги, тинимсиз машгулотлар олиб бориши туфайли қизим Ўзбекис-

Чемпион қизларнинг "онаси"



тон терма жамоаси аъзоси бўлди ҳамда қатор халқаро ва республика чемпионатларида муваффақиятларга эришди. Елена Асланова ўнлаб спорт усталарини, жумладан, уч нафар халқаро спорт устасини тайёрлади.

Ҳақли равишда уни Самарқанд бадий гимнастика мактаби асосчиси, дейиш мумкин. Шу пайтгача бадий гимнастика бўйича жаҳон чемпиони бўлиш ўзбек гимнасти-

качилари учун орзу бўлган. Бу орзуну Самарқанд бадий гимнастика мактаби вакили Тахмина Икромова жорий йил Тошкентда ўтказилган жаҳон чемпионатида голиб бўлиб, рўёбга чиқарди. Е.Асланованинг шогирдлари, айни пайтда ушбу гимнастика мактабиде мураббий сифатида фаолият юритаётган Мафтун Шамсиева, Нурунисо Усмоновалар эса Осие чемпиони бўлишган.

Яқинда Президентимизнинг

"Халқлар дўстлиги куну муносабати билан бир гуруҳ фаолларни мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига қўра, мамлакатимизда миллатлараро дўстлик ва тотувликни, турли миллат ва элат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжихатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, миллий маданиятлар, урф-одат ва анъаналарни сақлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ юрдошларимиз орден ва медаллар билан мукофотланди.

Тақдирланганлар орасида Елена Асланованинг ҳам борлигини кўриб, фахрландим.

Ў даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланган жонқуяр устоз, чемпион қизларнинг "онаси" Елена Юрьевна чин маънода бу мукофотга лойиқ эканлиги юзлаб шогирдлари ютукларида ҳам кўринади.

Роҳила ОЧИЛОВА.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUHOJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Булунғур туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасида марҳум Данияров Исакга (2021 йил 16 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Салимов Отабек Мамаюсович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Булунғур шаҳри Мустақиллик майдони.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ҳазратқуллов Маҳмуд Муминқуллович нотариал идорасида марҳум Шахидова Хосиятга (2016 йил 4 майда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқуллов Маҳмуд Муминқуллович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Хайдаров Тохирга (2004 йил 31 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда.

Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Маматқуллов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Авчиев Рашид Хайитовичга (2020 йил 16 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқуллов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Ҳазратқуллов Маҳмуд Муминқуллович нотариал идорасида марҳум Набиев Комилжон Валевичга (2018 йил 23 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳазратқуллов Маҳмуд Муминқуллович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 36-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақуллович нотариал идорасида марҳум Эргашев Абдурахмонга (2018 йил 10 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Муҳаммадиев Фарҳод Жўрақуллович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 76-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасида марҳум Нарзиев Хидирбайга (2016 йил 27 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Тоштемиров Алишер Пўлатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челек шаҳарчаси, Обод кўчаси, 35-уй, 3-хона.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус Исақуллова Нигора Турдиқулловна нотариал идорасида марҳум Норматова Мухаббат Мусулмановнага (2021 йил 23 декабрда вафот этган) тегишли мол-

мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Исақуллова Нигора Турдиқулловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ Самарқанд шаҳридаги Дамиров Анвар Зокирович яққа тартибдаги тадбиркорининг (СТИР: 525015640) дулмақ муҳри ва бурчак тамгаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Даргом хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2011 йилда Жиянов Хуршид Шодиқуллович номига берилган рўйхат рақами 283, К № 2087845 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат чет тиллар институтидан 2021 йилда Жулбекова Сарвиноз Тохировна номига берилган рўйхат рақами 545, В № 00138519 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд давлат университети ҳузуридagi педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг

малакасини ошириш минтақавий марказидан 2018 йилда Эргашева Улжон Нарзилло қизи номига берилган рўйхат рақами 1970, QT № 064335 рақамли қайта тайёрлов дипломи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Даргом туманидаги 31-сонли умумий ўрта таълим мактабидан 2020 йилда Ғовсиев Қодир Ризамат ўғли номига берилган UM № 0523441 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Шёлково Агрохим - Ўзбекистон" Россия-Ўзбекистон қўшма корхонаси жамоаси вилоят "Чорванасл" маркази масъул ходими Ўғилой Якубовага онаси

БАШОРАТ аянинг вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Самарқанд давлат университети биология факультети жамоаси зоология кафедраси доценти Нажмиддин Ҳақимовга турмуш ўртоғи Дамира КАРИМОВАнинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

Алломалар ҳаётидан

ЯССАВИЯ тариқатининг маркази

Мовароуннаҳр тасаввуф таълимотида яссавия тариқати муҳим роль ўйнайди. Унинг тараққий этишида Самарқандда фаолият олиб борган тасаввуф алломалари олоҳида ўрин тутган. Манбаларда қайд этилишича, Самарқанд шаҳри, Қумушкент, Ғазир ва Алиобод ҳудудларида тариқат мактаблари вужудга келган. Ижтимоий-сиёсий, маънавий ва маданий ҳаётда, ҳатто бунёдкорлик ишларида тариқат вакиллари муносиб ўрни тарихий манбаларда акс этган. Самарқандда фаолият олиб борган яссавия тариқати вакили шайх Худойдод Валий бу минтақада мазкур таълимотнинг пешқадам намояндаларидан бўлган.



Худойдод Валийнинг отаси Ортиқ шайх-дир. У Хоразмдан дастлаб Бухорога, кейинроқ Миёнқолнинг Карманасига яқин ҳудудга келиб, истиқомат қилган. 1461 йилда Ортиқ шайх хонадонидида ўғил фарзанд дунёга келади. Унга Худойберди деб исм қўйишади.

Дастлабки таълимни оиласида олган Худойберди ота-онасидан эрта жудо бўлади. Лекин қийинчиликлар билан бўлса-да, илм олишни давом эттиради. Мактаб таълимидан сўнг Самарқандга келиб, Жавзония мадрасасида шариат илмларидан сабоқ олади.

Худойбердининг талабалик йиллари ҳақида Олим шайхнинг "Ламаҳот" китобида бундай ёзилган: "Бир куни Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасида толиби илмларнинг фалакиёт соҳасидаги мунозараларини ҳавас билан кузатдим. Уларни бир-бирига муҳолиф топдим ва ўзим учун ривоятчиликни туфайли самовий сирларни кашф этдим". Бунга қўра, сўфийлик тарбиясини олган шайх Худойдоднинг фалакиёт соҳасидаги мунозараларга қизиқиши ҳанузгача бизни тасаввуф аҳли бу илмга зид бўлиб келган, деган қарашларни қайта кўриб чиқишга чорлайди.

"Ламаҳот"даги сатрлар Худойдоднинг Самарқанддаги талабалик йилларида Мирзо Улуғбек мадрасасида илоҳиёт илмидан дарс берганини тасдиқлайди. Илм ва ривоз билан юқори мартаба-ларга эришган Худойберди ўзига маънавий пир ахтариб, яссавия тариқатининг машҳур арбоби шайх Жамолиддин ҳузурига боради. Манбаларда қайд этилишича, шайх Жамолиддин уни Худойдод деб атайди. Шундан сўнг у шайх Худойдод номи билан тасаввуф муршиди сифатида машҳур бўлади.

Шайх Худойдод Валий Самарқанд яссавия мактабининг ривожланишига ва силсиланинг Марказий Осиё бўйлаб ёйилишига катта ҳисса қўшган. Унинг тариқатдаги фаолияти сабаб XVI аср бошларида айнан Самарқанднинг Ғазир маззеси яссавия тариқатининг марказига айланади. Унгача бу марказ Ҳиротда эди. Шайх Жамолиддин ушбу силсилани Самарқанддан Ҳиротга олиб кетган бўлса, шогирди шайх Худойдод Валий Ҳиротдан яна Самарқандга олиб келади.

Силсила тарихига назар ташласак, яссавия тариқати вужудга келиши ҳам айнан Самарқанд билан боғлиқ эканини кўрамиз. Тариқат асосчиси Аҳмад Яссавий тасаввуф сир-асрорларини устози Хожа Юсуф Ҳамадонийдан шу шаҳарда олади. Бу воқеа "Қандия" асаридида батафсил баён қилинган. Манбаларда келтирилишича, Шарафиддин Роқимий шайх Худойдод Валийнинг вафотини 1532 йил муҳаррам ойида, деб кўрсатади.

Бугунги кунда юртимизда зиёрат туризмининг янги йўналишлари шаклланаётганини инобатга олсак, айтиш мумкинки, яссавия тариқати пирларининг хоки абадий қўним топган қадамжолар маҳаллий ва хорижий сайёҳлар учун муқаддас зиёратгоҳларга, албатта, бориб кўриш зарур бўлган маънавият маскан-ларига айланишига шубҳа йўқ.

Мехроҷиддин АМОНОВ, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

Кўшрабтлик бир йигитни биланам. Исми Қодир. Номимга муносиб бўлишим керак, деб ўзини турли соҳада синаб кўришни хуш кўради. У болалигидан тадбиркорликка қизиқарди. Ёзги таътилда тенгдошлари оромгоҳда дам олса, у ота-онасига ёрдам бериш учун бозорда стаканлаб сув сотарди. Ўша пайтларда туманда ичимлик суви муаммо эди. Уч ой давомида топган пулига янги ўқув йили учун ўзига керакли кийим-кечак ва ўқув қуроллари сотиб оларди. Қолаверса, йиллар давомида йиғиниб, орттирган маблағига газли сув тайёрлайдиган ускуна сотиб олди.

Ишбилармон кишилар

Мактабда, кейинчалик коллежда барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиди. У коллежни тамомлаб, бир неча йил ўзи қизиққан йўналишлар бўйича олий таълим муассасаларига ўқишга киришга ҳаракат қилди, аммо талабалик бахтига муяссар бўлмади.

Ўзини яна тадбиркорликда синаб кўришда давом этди. Орада уйланди, кетма-кет икки фарзанди бўлди. Топгани фақат рўзғор тебраттишгагина етарди, холос. Унинг кўркам уй қуриш, автомобиль сотиб олиш орзуси орзулигича қолаверди. Бир неча марта банкдан кам миқдорда бўлса-да, кредит ҳам олди. Иши юришмай, уни қайтаришда анча қийналди. Сабаби, у йигитга тўғри йўл кўрсатадиган, пухта бизнес режа тузишни ўргатадиган одам топилмади. Хорижга ишлаш учун бориб ҳам кассаси оқармади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбир-

корлик қилиш учун имкониятлар эшиги кенгроқ очилди. Қодир бундан унумли фойдаланиб, йўлини топди. Тўрт сотихли томорқасида бир неча марта экин экиб, мўмай даромад қилляпти. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиб, 5 нафар ишсиз ёшнинг бандлигини таъминлади. Яна изланяпти, ўрганяпти ва бир пайтлар ўзи қийналганлиги учун ҳам қишлоқдошлари орасидан кимдир тадбиркорлик билан шуғулланиш истагиди бўлса, беминнат йўл-йўриқ ва ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Банкдан олган кредитлари имтиёзли бўлгани учун ҳам қайтаришга қийналмаяпти.

Айрим "тадбиркор"лар борки, банк кредитларидан мақсадли фойдаланмайди. Имтиёзли кредит эвазига олинган ускуналарни сотиб юборганлар қанча?!

Кейинги пайтларда қишлоқларда "Бир маҳалла – бир маҳсулот" тамойили асосида

Мулоҳаза учун мавзу

сабзавот ва полиз экинларини етиштириш йўлга қўйилди. Бу ўзининг ижобий натижасини берапти. Масалан, Иштихон туманининг Қўрли қишлоғидаги деярли ҳар бир томорқада узум етиштирилади. Пишиқчилик даврида узум савдоси билан шуғулланадиган тадбиркорлар шу қишлоққа бориб, маҳсулот сотиб олади. Сифати бузилмасдан шу ернинг ўзидан хорижга жўнатилади. Бу деҳқон учун ҳам, тадбиркор учун ҳам фойда.

Маҳаллаимиз аҳолиси бир ҳудудда бир хил маҳсулот етиштиришининг самараси яхши бўлишни тушуниб етган, - дейди каттақўрғонлик отахон Жаббор Соннибоев. - Деярли ҳар бир томорқа эгаси апрель, май ойларида қулупнай, кейинчалик картошка ва сабзи, кеч қузга бориб эса олма ҳамда анор ҳосилини йиғиб-териб сотишади. Бозорга кўтариб бормаймиз. Хари-дорлар қишлоғимизга келиб, бозор нарҳида олиб кетишади. Маҳалладошларимиз орасида имконият мавжуд бўлишига қарамасдан, томорқада экин етиштиришни истамайдиганлар ҳам топилди. Тоғни урса, талқон қиладиган йигитлар томорқада меҳнат қилишни ўзига эп кўрмайди. Қўшниларидан ўрناق олишни хохламайди. Деҳқончилик қилиш учун ҳам укув бўлиши керак. Уни шакллантириш учун эса истак ва вақт талаб қилинади.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

Фозил Йўлдош ўғли таваллудининг 150 йиллиги олдида



Ёшлар улў аждодларимизни танисин, улардан ўрناق олсин!

Бахши шоир Фозил Йўлдош уй-музейи 1986 йилда фахрий ўқитувчи Мелибой Раҳимов ташаббуси билан ташкил этилган. Булунғур тумани Соҳибкор маҳалла марказида жойлашган ушбу уй-музейда бугун 250 дан ортиқ экспонат мавжуд.

Жумладан, Фозил Йўлдош ва унинг авлодларига тегишли буюмлар, фотосуратлар, дostonлар, китоблар бор. Шунингдек, шарқшунос олимлар, ёзув-

чилар, санъаткорлар, оила аъзолари ҳамда халқ орасида тушган суратлар нусхалари, таниқли олим ва шоирлар Ходи Зарипов, Ғафур Фулом, Ойбек ва Ҳамид Олимжоннинг бахши шоир ҳақидаги фикрлари, кўл-ёзмалари ўрин олган.

Бу ерға вилоятимиз ҳамда қўшни Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан келган халқ оғзаки ижоди илосмандларининг музей ҳодими Нодиржон Раҳимов донгдор бахшининг таржимаи холи ва ижодий мероси билан таништиради.

Раббим ҲОТАМОВ.

Муштарий таклиф билдиради

Автотураргоҳлар ташкил этишнинг иложи йўқми?

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда жорий йилнинг ўтган 6 ойида 3559 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиб, уларда 2775 киши жароҳат олган, 784 киши эса ҳалок бўлган.

ЙТХларнинг қарийб тўртдан бири тезликни ошириш оқибатида эълан қилган. Салкам ярми эса пиёдаларни уриб кетиш билан боғлиқ.

Тахлилларга кўра, йўл-транспорт ҳодисалари асосан 23-27 ёшдаги ҳайдовчилар томонидан содир этилмоқда. Бунга аввало, тегишли малакага эга бўлмаган ёшларга ҳайдовчилик гувоҳномаси берилгани ва тезликка интилиш, ўзаро ҳурмат, ҳайдовчилик маданиятининг йўқлиги сабаб бўлмоқда.

Масалан, кўпинча Ургут туманида шундай ҳолатларга гувоҳ бўламиз. Ёш йигитлар отаси олиб берган машинага ўтириб олиб, бошқа ҳаракат иштирокчиларига йўл бериш тугул ўзлари қондани бузиб, мен фалон жойдан, фалончиевларданман, дея ёқангдан олишгача боради.

Кўнгилни хира қиладиган яна бир муаммо - автотураргоҳлар масаласи. Марказлар, идоралар, бозорлар атрофи, йўл четлари, аҳоли кўп келадиган жойларда бўш майдон бўлса, қўлига қизил латта боғлаган "стоянчик"ларнинг даромад майдонига айланади. Наҳотки, қонуний тарзда автобиллар тўхташ жойи ташкил этиш, жетон, чек ёки бошқа тарзда қонуний тўлов жорий этиладиган, кузатиладиган ва қўриқланадиган автотураргоҳлар ташкил этиш мушкул бўлса? Бу бюджетга қон даромад, қолаверса, ҳамнинг фаолият бўларди.

Ғайбиддин ФАЗЛИЕВ, Ургут тумани.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

6 АВГУСТ Дўстмурод АБДУЛЛАЕВ - 1950 йилда Пахтачи туманида туғилган. Ўзбекистон Қаҳрамони.

Тоҳир НОРҚУЛОВ - 1946 йилда Нарпай туманида туғилган. Фахрий фотожурналист. "Энг улў, энг азиз" республика танлови фолиби. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

8 АВГУСТ Сайдулла МИРЗАЕВ - (1930-2012) Пахтачи туманида туғилган. Адабиётшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Таънаберди ҚУРБОНОВ - (1935-2015) Паст Дарғом туманида туғилган. Ўзбекистон халқ артисти.

9 АВГУСТ Нарзиқул ШОДИЕВ - 1937 йилда Ургут туманида туғилган. Педагогика фанлари доктори.



Булунғурда ёшларнинг спортга қамрови 17 фоизга ошди

Бугунги кунда тумандаги 55 маҳаллада 30 ёшгача бўлган 100 минг нафардан ортиқ ёшлар истиқомат қилади. Улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ҳамда оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Туманда юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол, "Workout" каби спортнинг устувор турларини омлаштириш мақсадида 8 километр саломатлик, 8 километр велойўлак, 6 та "Workout", 2 та стритбол майдончаси фойдаланишга топширилди. Жорий йил ёшлар ўртасида ташкил қилинган беш босқичли оммавий спорт мусобақаларининг туман босқичи ҳам айнан шу майдонларда ва тумандаги 336 та спорт иншоотида ўтказилди.

Аҳамиятлиси, бу мусобақаларнинг ташкил этилиши туманда ёшларнинг спортга қамровини 17 фоизга оширди. Жумладан, ўтган йил бу қамров 23 фоизни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг шу даврига келиб, 40 минг нафарга етди, яъни ёшларнинг 40 фоизи спортга жалб қилинди. Шунингдек, спортчиларимиз йил бошидан

бўён ўтказилган жаҳон, Осиё ва Ўзбекистон чемпионатларида иштирок этиб, 3 та олтин, 7 та кумуш ва 18 та бронза медални қўлга киритди.

Туманимизда 69 та умумий ўрта таълим мактаби бор. Уларда 35 минг нафардан ортиқ ўқувчи таълим олади. Ушбу мактабларнинг 22 тасида спорт зали мавжуд эмас. Аммо муассасаларда босқичма-босқич спорт зали қурилиши режалаштирилиб, амалий ишлар бошланган. Масалан, йилнинг ўтган даврида иккита мактабда спорт зали фойдаланишга топширилди ва йил охиригача яна битта мактабнинг спорт зали очилади, 2022-2023 ўқув йилида бешта мактабда спорт зали қурилиши режалаштирилган.

Санжар Қўлдошев, Булунғур тумани спортни ривожлантириш бўлими бошлиғи.

Аёл шифокорлар қани?

Мағрурбекнинг раши ёмон. Хотини Гулноза ҳам аввал бошида, унинг шу хислатини ёқтириб, эрга тикан эди. Аммо "Бир кам дунё", деганларидек, рашкнинг оқибатига ҳам чидаш керак. Мана, эр-хотиннинг бугунги қувончли қуни ҳам рашк туфайли азага айланишига бир баҳя қолди.

Мағрурбек узоқ кутган фурсат келди, уч қиздан сўнг ўғил фарзандли бўладиган. У бу хабарни эшитгач, хотинининг олдида кечиб, уни туғруқхонага ҳам ўзи олиб келди.

Шифохонага кирар экан, хотинига етарли эътибор берилмагани учун бир асаб қилган бўлса, навбатчи шифокор эркак киши эканлигини эшитиб, фиғони фалак бўлди. Гулнозани амаллаб, палатадаги столга ётқизишди. Аммо у ётган хонага навбатчи шифокор икки эркак ёрдამчиси билан кириб келгач, жанжал бошланди. Аламига чидай олмаган Мағрурбек "Менинг хотинимга сенлар доялик қиласанми? Аёл шифокорлар қуриб қолганми?", деб навбатчининг ёқасидан олди. Тўс-тўполон бошланди. Хотинини бошқа шифохонага олиб кетай деса, фурсат йўқ. Охири тақдирга тан берди.

Ўша қуни у ўғилли бўлди. Кўп ўтмай, қизлари ҳам узоқ кутилган ўқасини кўриш учун туғруқхонага келишди. Мағрурбекнинг кайфияти чоғлигидан фойдаланмоқчи бўлган катта қизи гап бошлади:

— Дадажон, бу йил 9-синфни битирялман. Тиббиёт коллежига ўқишга кирмоқчи эдим. Беморларни долашни истаيمان. Агар руҳсат берсангиз...

Мағрурбек бу гап ҳар доим жаҳл билан айтадиган гапларини мулоимлик билан қайтарди: — Мен сенга неча марта айтишим керак? Қиз боланинг ўқиши шарт эмас. Рўзғор тебратилиши билсанг бўлди-да. Шифокорликни ким қўйибди сенга...

Шу гапдан кейин унинг томоғига нимадир тикилгандек бўлиб, йўтал тутди. У ўзининг "Нега аёл шифокорлар йўқ?", деган саволига жавоб топган эди.

Ислоимиддин САРИМСОҚОВ.

Matbuot Uy Zarafshon Samarqandskiy Vestnik

MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: T.SIDDIQOV. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

ISSN-201667X QR code and publication info